



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 25 июн, чоршанба № 98 (1523)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Кизирик ва Сарийосиё тумани галлакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди. Президент Ислам Каримов ҳар икки туман галлакорларини бу улкан галаба билан қўлаб, об-ҳаво оғир келган қишлоқ ҳўжалик мавсумида кетма-кет ёққан ёмғир, дўл ва сел оқибатлари, табиат инжиқликлари мардона енгилиб, галла етиштиришда юксак натижалар қўлга киритилганини самимий эътироф этди. Ўртбошимиз табриги бутун воҳа галлакорларини руҳлантириб юборди. Урим-йигимда катта суръат ва сифатга эришадиган сурхондарёлик деҳқонлар давлатга дон топириш шартнома-режасини етмиш фоиздан оширишга муваффақ бўлди. Яна икки - Термиз ҳамда Бойсун тумани галлакорлари ҳам шартнома-режани бажарди. Ангор, Жарқўрғон, Музрабод туманлари эса маррага тобора яқинлашиб бормоқда. (ЎЗА)

Қаҳрамонлар орамизда

ОМАДЛИ КИШИЛАР

Хосили бўлик олтин бошқоқлар қуёш нурида товланиб, кўзни қувватлади. Бу йил табиат галлакорга қайишди. Катта майдонларда баракада хосил етилди. Энди бутун диққат-эътибор бебаҳо бойликни ҳес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишга қаратилган. Галлазор бўйлаб қудратли «КЕЙС» елкандай сузиб бормоқда.

Шахрихон туманидаги «Сардор» ширкат ҳўжалигида бош пудратчи Мўйдинжон Аҳмедовга қўпчилик тан беради. Бойси омилкор деҳқон ер билан тиллашиб, мард билан беллашиб, йил сайин галла ва пахтадан мўл хосил етиштириб келмоқда. Яқингинада ҳўжалик раҳбари Ёқубжон Мамажонов унинг даласидаги гўзалар кийгос гулга кирганили билан табриқлаганди. Мана энди миришқор деҳқон галла ўрим-йигимда ҳам намуна бўлаётти. Галладан бўшаган майдонларга тақрорий экин экилса қони фойда.

Дастлабки ҳисоб-китоб-қараганда хозирча гектаридан 50 центнердан дон йиғиштириб олинди. Яна иккита карта комбайнчиларга махтал бўлиб турибди. Демак, мавсум охирида бу кўрсаткич бемалол 80 центнерга боради. Шартномада белгиланганидан ортиқча 32 тонна дон Мўйдинжон бошлиқ пудратчилар ихтиёрида қолади. Эътиборлиси шуки, уста пудратчилар галлачиликнинг ўзидан 2,5 миллион сўм соф даромад қилишни кўлашапти.

Ҳўжалик касабаси уюшма кўмитаси галла ўрим-йигимида иштирок этадиганларга қулай шарт-шароитлар яратиш, илгорларни рағбатлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Ишда ўзини кўрсатаётган фидойиларга гилам, пул мукофотлари ажратилган. Шунинг

уддаланди. Бир йилнинг ўзида хосилдорлик гектарига 8 центнерга ошди. Бу ерда иқтисодиётни юксалтириш омилларида унумли фойдаланилади: Техамкорлик ва пировард натижа учун барча бирдек масъул. Яна бир жиҳати шуки, ҳўжаликда энг тажрибали галлакорлар, пахтакорлар маслаҳатига қатъий амал қилинади. Узаро суҳбатларнинг бирида, тажрибакорлар сара уруғ тайёрлаш, илгорлар тажрибасини омалаштириш хусусида алоҳида бош қотириш лозимлигини таъкидлашди. Раҳбарлар бунинг учун маблағни аяшмади. Натижа қўтилганидан ҳам яхши бўлди. Агар 2002 йилда бугунднинг ўзидан 50 миллион 416 миң сўм соф фойда олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич камида 220 миллион сўм бўлиши кўтилмоқда.




гдек, энг яхши санаторийларга йўлланмалар ҳам берилди.

Галлакорлар ваъдага вафо қилишапти. Бу йил Аҳмажон Валихонов етакчилигидаги пудратчиларнинг ҳам қўли баланд. Улар 19 гектардан дастлабига 58 центнердан дон йиғиштириб олинди. Уч картага ҳали комбайнлар тушгани йўқ.

Ҳўжалик билан касабаси уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жомоа шартномаси меҳнатқашлар манфаатига хизмат қилмоқда. Иш ҳақи баракали бўлиши билан бирга вақтида эгаларига топиширилмоқда. 2003 йилда 50 миллион сўм дивидент сифатида берилиши кўзда тутилган. Касабақўм раиси Жамолдин Ботировнинг таъкидлашча, иқтисомий ҳимоя масаласи алоҳида эътиборда. Обод маҳалла йили муносабати билан кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. «Дориламон» қишлоғида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти қурилиши жадвал борапти. Асфалт тайёрлаш, гишт ишлаб чиқариш цехлари ҳам барпо этилмоқда. Айниқса, ажойиб болалар боғчаси, мактаб қурила бошлангани билан барчани қувонтирмоқда. Буларнинг ҳаммаси фидойий меҳнат самарасидир.

Собирижон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири



ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мустақиллик - халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрамидир. Утган тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда барча соҳаларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга ошириляётган ислохотлар ўзининг ёрқин самарасини бераёттир. Асақала «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, «Шўртан» газ-кимё комплекси, Қоровулбозордаги нефтин қайта ишлаш корхонаси буюк бунёдкорлик ишларининг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларида қамровли ишлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлисида шулар хусусида сўз юритилди. Халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрами тантаналари кўтаринки руҳда, ҳар галгидан ҳам жозибали, шуқули, бетакрор ўтиши, унда амалга ошириляётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимиз ҳаёти бадий лавҳаларда акс эттирилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Байрам баҳона санъатимизнинг янги кирралари намойён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади, тантана мазмун-моҳиятига мос замонавий куй-қўшиқ-


лар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз бош майдониде бўлиб ўтадиган асосий байрам тантаналарида айнан шу жиҳатлар ўз аксини топтоғи керак. Бунда истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни тараннум этувчи, миллий гоё, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга ошириляётган энг улғу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадий дастурлар яратиш бўйича танловлар эълон қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисда Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда пойтахтда ўтадиган асосий тадбирларда иштирок этувчи фольклор, бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, баҳши шоирлар таркибини аниқлаш, дастурларни саралаш, асосий байрам тантаналарини тайёрлашда иштирок этувчи бадий жамоаларга барча шароитларни яратиш зарурлиги алоҳида уқтирилди. (ЎЗА)



ЙЎЛЛАРГА ЭЪТИБОР ОРТМОҚДА



АКЦИЯ БОЗОРИДА САВДО ҚИЗГИН

Республика фонд биржасида ўтган ҳафта давомида 50 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 380,6 миллион сўмлик 301,5 миң дон акциясини сотиш бўйича 161 битим имзоланди. Иккиламчи бозорда эса 40 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 352,4 миллион сўмлик 289,9 миң дон акцияси харид қилинди. Бу эса иккиламчи бозорда олдинги ҳафталарга қараганда савдо анча жонланганини кўрсатади. Мазкур ҳафтадаги энг йирик битим ҳам айнан иккиламчи бозорда Фарғона вилоятидаги Учқўприк тумани «Хумо-Уч» акциядорлик жамияти акциялари савдоси бўйича тузилди. Унинг умумий қиймати 82,9 миллион сўмлик 34,6 миң акцияси сотилди.

Йўлнинг раволиги кўп жиҳатдан унга ётқизиладиган асфалтнинг сифатига боғлиқ. Самарқанд вилоятидаги «Афросиёб» заводи эса алмисокдан қолган асбоб-усқуналар билан ишлаётгани боис на сифати ва на миқдори бўйича талаб даражасида асфалт етказиб бера олмаётган эди. Хориждан сотиб олинган янги асфалт қориштириш мажмуаси йўлсозлар олдидаги ана шу муаммони бартараф этишга қаратилган. Ушбу мажмуани ўрнатиш юмушлари тўлиқ яқунланди ва у синодан муваффақиятли ўтди. Эндиликда заводнинг асфалт ишлаб чиқариш қуввати соатига 160 тоннага етди. Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Хоразм вилоятида бу йил 9 миңдан ортиқ ўқувчинини сўлим оромгоҳларга соғломлаштириш мўлжалланган. Айни кунларда 27 та оромгоҳ ўқувчиларни ўз бағрига олган.

ЁЗ ГАШТИ ЎЗГАЧА

Ўғил-қизлар кўнгилли дам олишлари учун масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик куришига алоҳида эътибор қаратилди. - дейди вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Одамалӣ Болтаев. - Ўтган йил сабоқларидан кўп жойларда тегишли ҳулоса чиқарилди. Шунинг натижасида Ўрганч газ узатиш шўба корхонасининг «Бойи Эрам», вилоят электр тармоқлари корхонасига қарашли «Ғайрат», Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп», Хиवादиги «Алпомиш», Гурлан туманидаги «Дўстлик» масканлари мавсумга барвақт тахт этилди. Шу боис хозирда уларда иш кўнгилдагидек кетапти.

Таъкидланганидек, ўтган йилги камчиликларни бартаараф этишга алоҳида киришилди. Оромгоҳлар методик дастурлар ва керакли жиҳозлар билан таъминланди. Айниқса, озик-овқат маҳсулотлари сифатли бўлишига эътибор қучайтирилди. Агар иштиёқ ва масъулият ҳисси бўлса, қийинчиликларни бемалол енгиб ўтиш мумкин. Буни шунинг учун айтиялмиш, бу йил Янгибозор тумани ерлари тўлалигича фермер ҳўжалиқларига бўлиб берилди. Ташкилий ишлар давом этадиганлиги боис «Бўзқалъа» фермерлар уюшмасига қарашли «Койнот», «Боголон» фермерлар уюшмасига қарашли «Райхон» оромгоҳларини мавсумга тахт қилишда муайян қийинчиликлар юзга келди. Шунингдек, Шовот туманидаги «Меҳнатобод» ширкат ҳўжалигига талалқули «Тонг» оромгоҳини таъмирлаш ишлари кўпнинг кучи билан шай этилди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Тошкент вилояти оромгоҳларида 1500 ўқувчинини дам олдириш мўлжалланган. Яқинда махсус поезд билан 240 ўқувчи пойтахтга юборилди. Улар асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларнинг фарзандларидир.



Оромгоҳларда ўқувчилар кўнгилли дам олишлари учун турли тадбирлар белгиланган. Табиат қўйнига ёки тарихий шаҳарларга экокурсиялар, муқаддас қадимжоларга эиҳрат тадбирларга киритилган. Аксарият масканларда яхши кутубхоналар ишлаб турибди, турли спорт ўйинларига мўлжалланган майдонлар мавжуд. Эътиборлиси шуки, яқинда «Умид қўлларни» спорт ўйинларида энг яхши кўрсаткичларга эришган вилоят спортчиларининг оромгоҳларда дам олаётган ўғил-қизлар билан учрашувлари ташкил этилмоқда.

Э.ЭРАМТОВ, «Ишонч» мухбири

ҲАМШИРАЛАР УЧУН ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурида ўрта бўғин тиббиёт ходимлари ишларини янада ривожлантириш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, айниқса кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу борада Фарғона вилоятида Бу борада Фарғона вилоятида бу борада МАШАВ, САҒЕ каби халқаро ташкилотлар ва ЗдравПлюс лойиҳаси билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб бориляпти.

ЗдравПлюс мабтуот хизмати-дан олинган хабарга кўра, Фарғонада Бешарик туманидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизмат сифатини узлуксиз яхшилашда масъул бўлган ҳамда клиник таълим дастуридан муваффақиятли ўтган 127 нафар патронаж ҳамшираси ва 6 нафар мутахассисга сертификат ҳамда базавий ан-

жомлар тўпламини расмий топириш маросими бўлиб ўтди. Жорий йилнинг февралда эса Ёзёвон туманида ҳам тиббий ҳамширалар учун бу каби маросим ўтказилган эди.

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан молияланадиган ЗдравПлюс лойиҳаси Ўзбекистон ҳукуматида соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни жорий қилишга техник ёрдам кўрсатмоқда. Фарғона вилоятида лойиҳа бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини меҳнат самардорлиги ва унумдорлигини ошириш, кўрсатиляёт-

ган хизматлар сифатини яхшилаш учун рағбатлантирувчи омиллар билан таъминлаш имконини берувчи янги тизимни жорий қилапти. Умуман ушбу дастур доирасида Кува, Ёзёвон ва Бешарик туманларидан 300 нафар ҳамшира ва 80 нафар доя ўқитилади. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг ҳар бир туманидаги тиббий хизматлар сифатини мунтазам ошириш учун масъул ҳамширалар иши соҳасидаги 17 нафар мутахассис курс асосида ўқитилди ва ўқитиш услублари билан таништирилди. (ЎЗА)

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Корея яриморали урушидан ярим аср вақт ўтгандан кейин илк бор Хитой ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли самолёт Жанубий Корея ҳудудида кўнди. Самолёт бортида Хитой ҳарбий-ҳаво кучларининг 58 нафар зобити ҳам бор. Корея республикаси Мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, мазкур таширфдан қўзланган максад Сеул ва Пекин ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни кенгайтиришдир.

Европа кенгаши Парламент ассамблеяси (ПАСЕ) нинг навбатдаги йилгилиши ўз ишнини давом эттирмоқда. Ассамблея депутатлари инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қоидада жомат қораловчи лавозимини жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур лавозимнинг жорий этилишидан мақсад инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг бажарилиши устидан назоратни қучайтиришдир.

Саудия Арабистони ҳукумати Исроилни «Йул харитаси» режасининг амалга оширилишига тўсқинлик қилишга айболомқда. Мамлакат расмий доираларининг фикрича, Исроил Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган барча ташаббусларни мунтазам равишда бузиб келаяпти. Шу сабабли Саудия подшоҳлиги Исроилни имзоланган битимларга амал қилишга мажбур қилиш зарурлигини эътироф этди.

Буюк Британия ҳукумати бир қатор мамлакатлар фўққорларига виза бериш тартибини жидаий назорат остига олгандини эълон қилди. Мамлакат ички ишлар вазири Беверли Хьюзинг маълум қилишича, мазкур мамлакатлар фўққорлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўлаб муаммоларни келтириб чиқараёттир. Рўйхатга ҳаммаси бўлиб 38 мамлакат киритилган.

Гагада кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича халқаро ташкилот ижроия кенгашининг навбатдаги йилгилиши қақрилди. Мазкур ташкилот 1997 йил қабул қилинган «Кимёвий қуролларни тақиқлаш» тўғрисидаги конвенция ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди. Йилгилишда кимёвий қуролларни йўқ қилиш юзасидан қатор масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Буюк Британия шаҳзодаси Уильямнинг тутилган кунда қандайдир шахс «Усама бен Ладен» костюмида Виндзор қасрига кириб, ҳен қандай тўсқинликсиз шаҳзода турган саҳнага чиқиб келди. Маълум бўлишича, у 36 ёшли лондонлик актёр Аарон Баршак экан. А.Баршак шу йул билан ўзининг янги театр по-

деб қириб юбормоқда.

Коста-Рикада Марказий Америкада биринчи сунбий йўлдошнинг учирлишига тайёргарлик қуриляпти. «Сунги макон» деб номланган мазкур қурилманинг оғирлиги 260 килограмм бўлиб, уни фазога чиқариш 2006 йилга режалаштирилган. Сунбий йўлдошнинг учирлиши АҚШ аэроавтика ва фазони тадқиқ этиш миллий агентлиги билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

«Интернешнл дейта групп» халқаро ташкилотининг берган маълумотларига қараганда, Швеция телекоммуникация технологияларида фойдаланиш бўйича дунёдаги етакчи ўринга чиқиб олди. Дунёнинг 53 мамлакатда тадқиқот ўтказган мутахассислар Швеция аҳолисининг 69 фоизи Интернетдан фойдаланяватганини, жумладан, уларнинг 15 фоизи тезкор алоқа тармоқларига уланганини эътироф этди. (ЎЗА)

Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига

ХИРМОНДА ДОН –ТАНДИРДА НОН

Багрикенг бугдойзорлар саратон шомолида денгиздек шовуллайди. Чиял ва Кўкдаланинг уфққа туташиб кетган бепён кенгликлари, Хисор тоғлари худудидаги Шахрисабз ва Китобнинг қайришоли далалари, Қамаш ва Гузор адирлари, Касби, Косон ва Қаршининг унумдор ерлари, Муборак ва Нишоннинг асрий чўлларида галладан мўл ҳосил етиштирилди.

Ярим миллион тоннадан зиёд улкан хирмон яратиш, давлатга 364 минг 700 тонна дон сотишга бел боғлаган қашқадарёликлар ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан давом эттирмакдалар. Бир ўримдаёқ шартнома режаларини ошириб уддалаган бободоҳон қалбида мулкка эгаллик туйғуси жўш урмоқда.

Галла элимизнинг ризқ-насибаси, тўкинчилик манбаи, иқтисодийимиз таянчи. Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкили чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ўрим-йиғимни қисқа мuddатларда ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун техника воситалари тўла қувват билан ишлатилмоқда. Натижада бугунги кунда далаларда 200 дан ортқ «КЕИС», «КЛААС» ва юзлаб Россия комбайнлари жавлон уряпти.

Ўрим-йиғимда Муборак ва Қарши туман галлакорлари етакчилик қилишмоқда. Бу ерларда ҳар бир комбайн билан кунда ўртача 20-22 гектар майдоннинг ҳосили йиғиштириб олинапти. Муборакдаги «Бўстон» ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллади. Р.Отаниёзов, И.Шерматов, Б.Хўжамуродов, М.Ражабов бошлиқ оилавий пудратчиларда гектар бошига ҳосилдорлик 50 центнердан ошди.

Тумандаги «Қарлик» ширкат хўжалиги галлакорлари қабул пунктларига 2200 тоннадан ортқ сара дон топшириб, шартнома режасини ошириб бажардилар.

Қирқ минг тонналик хирмон бунёд этишга бел боғлаган Қарши тумани галлакорлари ҳам зафар маррасига яқинлашмоқдалар. «Бешкент», «Истиклол», Собир Раҳимов, Юсуф Хушвақтов номи хўжаликларнинг галлакорлари уч йил кунда йиллик маррадан ошиб ўтдилар.

Нишон туманидаги ширкат хўжаликларидан фермерлик ҳаракати бошланганидан сўнг меҳнатга муносабат ижобий томонга ўзгарди. Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари директори, кекса деҳқон Хайитмурод Фармоновнинг ҳуюя қилишича, 2000 дан ортқ фермернинг 1800 таси галлачилик билан шуғулланмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги нишонланадиган қутлуг санада улар 80

минг тонна дон етиштириш, ҳосилнинг 42 минг тоннасини давлатга топшириш мажбуриятини олишган.

Тумандаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги галлакорлари вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу йил жамоада галлачиликнинг ўзидан 20 миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. Ҳар бир ишловчига 2,5-3 тоннадан дон тарқатилди.

«Галлаорол» фермер хўжалиги 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, йиллик маррани эгаллади.

Бу йил туман деҳқонлари хўжаликларга 6500 тонна уруғли дон етказиб бердилар. Алишер Навоий, Сайидо Насафий, Шароф Рашидов номи, «Комилон» ширкат хўжаликларида бу йил ҳосил қутилганидан ҳам мўл бўлди. Шартнома режаси ошириб уддаланди.

Авазчўл даштлари кўшни Туркменистон давлати чегараларига туташиб кетган. Бу худудда жойлашган Миришкор туманидаги Фафур Фулом номи қоракўлчилик хўжалиги деҳқонлари дастлабки ўримдаёқ давлат буюртмасини ошириб адо этишди. Ҳозирга қадар қабул пунктларига 1,5 минг тоннадан ортқ дон етказиб берилди. Хўжалик раҳбари Мамат хожи Жумалқовнинг айтишича, бу йил галлачиликнинг ўзидан 250 миллион сўм даромад олинади.

Нишонлик Мардонқул Холиқов, Худойёр Нормўминов, қаршилиқ Аҳмад Усомонов, Чори Эшмуродов, касбилиқ Уроз Турсунов, Хомид Қиличов, Миришкор туманидан Иброҳим Ҳамзаев, шахрисабзлик Али Овлақов, Маннон Мардонов сингари механизаторларнинг ҳар бири мавсумда 1100-1200 гектар майдондаги ҳосилни саранжомлаб олиш учун ўзларига биркитилган комбайнларни тўла қувват билан ишлатишапти. Мингдан ортқ автомобиллар йиғиштириб олинган ҳосилни қабул пунктларига ташиб келтиришапти.

Далада ишлаётганлар учун ҳамма кулайликлар яратилган. Мавсум қатнашчиларига бепул иссиқ овқат, сутқатқ маҳсулотлари берилаяпти. Комбайн ва тракторлар биринчи ёрдам воситалари, техника ва ёнги хавфсизлик ўскуналари билан жиҳозланган. Ўрим-йиғимда банд бўлган механик-ҳайдовчилар, галла ташувчилар ҳар беш кунда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти.

Хуллас, табиат инжиқликларини мардона енгган қашқадарёликлар бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Эндилкида меҳнатни оқилона ташкил этиш, уюшқоқлик ва сифарбарлик муваффақиятини таъминлаяпти.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири



Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик кенг имкониятлар яратилган. Шу боис республикамизда кун сайин хусусий тадбиркорлик нукталари кўгайиб бормоқда. Жиззах вилояти Пхтакор туманидаги «Ранчо» тиву ишлаб чиқариш хусусий корхонасини ҳам шулар сирасига қирлиш мумкин.

Ушбу хусусий корхонада булун ағри эҳтиёжи учун бежирим ва сифатли барча турдаги эркаклар ва аёллар ки-йимлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, жамосанинг тажрибали ишчилари кўплаб кўсаларга чеварлик сир-асорларини ҳам ўргатапти. Чунки, яқинда туман меҳнат биржаси томонидан қайта ўқушга жўнатишга 6 нафар хотин-ўяги хўяр билан танилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхонасида янги иш ўринлари яратиш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Икромжон ХАСАНОВ олган суратлар



ЯНГИ БИНО КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ

Обод маҳалла йиллида Жондор тумани кишлоқ ва маҳаллаларда ободончилик ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Каттаю кичик барча фуқаролар ўз уйи, кўчаси ҳамда кишлогини янада обод ва кўркам қилиш ниятида эзгу ишларни бошлаб юборишган.

Хусусан, «Зарафшон» ширкат хўжалиги ҳамда «Сепатта» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар уюштирилди. «Энг обод кишлоқ», «Энг обод маҳалла», «Энг яхши оҳунамда» кўрик-танловлари, хотира турнирлари ва оилавий спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Оилавий спорт мусобақасида Собирқовлар оиласи ғолиб бўлиб, туман босқичида фахрли 2-ўринни кўлга киритди. Кишлоқлараро ўтказилаётган футбол мусобақаларида эса Сепатта, Моҳон ҳамда Чандир кишлоқлари жамолари фаол катнашиб, ғолиб бўлиб келишмоқда.

Худуднинг марказий кўчалари ва йўллар атрофида хўжалик меҳнатқашлари томонидан 20 минг тўлдан зиёд ҳар хил мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул қўчатлари ўтказилди.

«Сепатта» кишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳи аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида кишлоқ ва маҳаллаларда тез-тез учрашувлар ўтказиб, профилактик ишларни олиб бормоқда. Шунингдек, худудда ишчиларнинг олдини олиш бўйича ҳам бир талай ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, «Устошогирд» ўқувлари ташкил этилиб, 26 нафар ёш иш билан таъминланди.

Яқинда мазкур кишлоқ фуқаролар йиғини ҳузурига «Тобагар» маҳалла фуқаролар йиғини иш бошлади. Унинг очилиш маросимида барча кишлоқ ва маҳаллалардан вакиллар, нурунийлар қатнашди. «Зарафшон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аҳмад Очилов янги маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига Тобагар кишлоғи худудига замонавий бино калитини топширди.

Ихтиёр Йўлдошев

КИШЛОҚ ТҮЙИ

Обод маҳалла йиллида шифирконликлар янги аънава - «Кишлоқ тўйи»ни ўдмулар таомилга киритди. Яқинда Талиса-Фед кишлоғининг тўйи бўлди.

«Кишлоқ тўйи»га пухта тайёргарлик кўрилди. Ҳамкишлоқлар кўчаларни тозалаб, арик-зовуларни тартибга келтирди, ободонлаштириш ишларини бажарди. Йўлларга асфальт ётқизди. Бу ишларга шу кишлоқда яшовчи фермер ва тадбиркорлар бош-қош бўлди.

Тўй аввалида кишлоқ раванқиға катта ҳисса кўшган, саховатли инсонлар хотирасида бағишлаб спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолибларга совринлар топширилди. Дастурхонга турли ноз-неъматлар тортилди. Уйин-кулгу бўлди. Кам таъминланган тўққиз оилга совға-саломлар берилди.

Шундай тадбир туманининг Мугалон кишлоғида ҳам бўлиб ўтди. (ЎЗА)

БУРҒУЛАШ УСКУНАЛАРИ

соф фойда ҳисобидан

Шу кунларда Қорақалпоғистон республикаси Устюрт кенгликлариде бурғулаш ва геологик разведка ишларини олиб бориш қизғин давом этмоқда.

Хусусан, бу ерда яқин 4-5 йил ичида 6 та янги кон топилди.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойида эса 40 минг километрни бурғулаш ишлари амалга оширилди. Бир миллион сўмлик соф фойда олинди.

Утган йили Мўйноқдан топишган газ конлардан бирига газни тозалаб, тақсимлаб берадиган махсус ускуналар ўрнатилди. Газчи-геологлар шахарчаси бунёд этилди. 50 та оилага мўлжалланган турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Энг муҳими, 40 йил мобайнида тинимсиз ишлатилган техникалар, бурғулаш ускуналари соф фойда ҳисобидан янгиланмоқда. Масалан, яқинда 1-кон қошида умумий баҳоси бир миллиард сўмга тенг бўлган янги Хитой техникаси ишга туширилди. Бу эса иш унумдорлигини бир неча баробар ошириш имконини берди.

М.АЙТИМОВ

Ижтимоий ҳимоя

маош микдориде моддий ёрдам бериледи. Бу имтиёз қариллик нафақасига чиқаётганларга ҳам қўлланилади.

Соҳа ходимларидан 2002 йилда 70 нафари турли сихатгоҳларда соғлик

сиқ бўлиши натижасида 20, ўта оғир шароитда ишловчиларга яна қўшимча 20 фоиз ҳақ тўланади. Дам олиш ва байрам кунлари

ладини тикладилар. 3949,9 минг сўм маблағ ижтимоий-суғурта фонди ҳисобидан сарфланди. Ишчиларимизнинг 164 нафар болалари вилоятимизнинг «Вахшиёроқ», «Чашма», «Бешбулок» каби оромгоҳларида дам олдирилиб, соғломлаштирилди.

Нурунийлар фаҳримиз, ғуруримиз, уларнинг ҳаёт йўлига бизга ибрат. Шунинг учун илгари тизимда ишлаган 100 нафардан ортқ қарияларимизни доимо эъзозлаб келаяпмиз. Ҳар байрамда улар учун дастурхон ўзлашимиз, саломлар улашамиз.

А.ДАМИНОВ, Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси

Қаердаки ишчи меҳнати рағбатлантирилса, ўша жойда иш унуми ошади. Натижада моддий манфаатдорлик масаласида муаммо бўлмайди. Бу борада «Сурхонтелеком» филиалида мақтовга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Воҳадаги 14 та туманда меҳнат қилаётган 766 нафар ишчи-хизматчини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида маъмурият 2002-2003

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ – КЎНГИЛГА МАЛЎҲАМ

йилларга мўлжалланган тармоқ келишувини имзоладик. Келишувнинг ҳар бир банди асосида филиалнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига асосан йўриқномалар ишлаб чиқилиб, ишчи-ҳодимлар таништирилди. Шартнома шартларига биноан, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмни ташкил этади. Ҳар ойда уларга овқат пули ҳам бериб борилади. Ҳодимларимизнинг меҳнатига яраша рағбатлантириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчиларга ҳар йили, маъмурият фойдаси ҳисобидан 5 минг сўмлик кишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериб борилади. Ёз ойларида эса ҳар бир ишчи-ҳодимнинг иш ҳақиға хароратнинг ис-

ишлатганларга 2,2 баробар ошқича ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, соҳада узоқ ишлаган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш ҳам жорий этилган. Мисол учун, 5 йилдан 10 йилгача ишлаган Шўҳрат Эшониев, Маҳмуд Боймуродов, Фафур Бердиев сингари алоқачиларимизнинг ойлик маошига 10 фоиз микдориде, 15 йил ишлаган Шавкат Мирсаидов ва Бозор Бўроновга 30, 20 йил ишлаган Абдусамид Нориев, Руслам Тўрақуловларга 30, 30 йилдан ортқ ишлаётган Олим Эшонов, Исмоил Чориев, Лиза Қурбоналлага 40 фоиз микдориде қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларга таътилга чиқаётганлариде бир ойлик ларини тикладилар. 3949,9 минг сўм маблағ ижтимоий-суғурта фонди ҳисобидан сарфланди. Ишчиларимизнинг 164 нафар болалари вилоятимизнинг «Вахшиёроқ», «Чашма», «Бешбулок» каби оромгоҳларида дам олдирилиб, соғломлаштирилди.

Нурунийлар фаҳримиз, ғуруримиз, уларнинг ҳаёт йўлига бизга ибрат. Шунинг учун илгари тизимда ишлаган 100 нафардан ортқ қарияларимизни доимо эъзозлаб келаяпмиз. Ҳар байрамда улар учун дастурхон ўзлашимиз, саломлар улашамиз.

А.ДАМИНОВ, Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ИШ ЖОЙИ

аттестациядан ўтказилди

Бугунги кунда турли хил ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар кўпайиб, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Жамоаларда меҳнат ва ишлаб чиқариш тартибини мустаҳкамлаб, ҳар бир фуқаронинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги йўриқномалари асосида ишлашига асосий диққат-эътибор қаратилган. Шу боис касабаси уюшмалари бугунги кунда меҳнат муҳофазаси масаласида янада фаолроқ бўлиб бормоқда. Яъни, жамоа шартномаси орқали меҳнат муҳофазаси масаласи назоратга олиниб, зарур маблағ ажратилмоқда. Бу соҳадаги камчиликлар бартараф этилмоқда.

Утган йили иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича 5976 та тадбир киритилди. Бу тадбирларга 230 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Касабаси уюшма фаоллари томонидан бу борада 1337 марта қоида бузилиш ҳолатлари аниқланиб, улардан 847 таси бартараф қилинди.

Йил давомида вилоятимизда 5 нафар ходим ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса сабабли ҳалок бўлди. 8 нафар ходим эса ногирон бўлиб қолди. Афсуски, жойларда бахтсиз ҳодисани яшириш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шунинг учун бир неча ой, ҳатто йил ўтгандан кейин ногирон бўлиб қолган ходим ўзига тегишли нафақа ва тоvon пул-

ларини ололмагач, бизга шикоят билан мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда. Мутахассисларимиз аралашуви билан сўнгги икки йил ичида ногиронлар ва уларнинг оилаларига 2 миллион сўмга яқин тоvon пули ундириб берилди. Масалан, Жиззах туманидаги Навоий номи жамоа хўжалигидан 17 нафар киши ҳар йили вилоят касабаси уюшмалари кенгаши ёки тармоқ кўмитаси мутахассислари аралашуви билан сўнг тоvon пулларини оладилар. Бундай ҳолни Зомин, Галлаорол, Фориш туманларидаги, бир қатор корхоналарда ҳам учратиш мумкин.

Қайд этилган камчиликлар рўй бермаслиги учун касабаси уюшмаларининг барча фаоллари қонун берган ваколатлардан фойдаланиб, хавфсиз меҳнат шароити яратилиши устидан қатъий назорат ўрнатмоқдалар. Меҳнат муҳофазасига панжа орасидан қараётган раҳбарларни жамоа орасида ҳисоб беришга мажбур этишмоқда.

Утган йили 473 та иш жойи аттестациядан ўтказилгани тўғайли 700 дан ортқ ходимнинг меҳнат шароити яхшиланди. Шундан 223 таси хотин-қизлар меҳнат қилаётган иш ўринларидир.

Рауф САНЧИЛОВ, Жиззах вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича бош мутахассиси

«Консигнатор» вилоятдаги иқтисодий бақувват ўн хусусий фирманинг бири ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган гўшт маҳсулотларининг харидорлари Навоий туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам кўп. Игирма беш турдаги колбаса вилоятнинг даярли барча туман ва шаҳарларидаги савдо дўконларига чиқарилмоқда.

«КОНСИГНАТОР»: ХАРИДОР МИННАТДОР

Яқинда корхонада сутни қайта ишлайдиган замонавий технология ўрнатилди. Энди бу ерда гўшт билан бирга сут маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Туман ҳокимлиги фирмага 140 гектар ер ажратди. Бундан кейин фирмага қарашли чорвачилик хўжалигида боқилаётган қорамоллар учун озуқа ҳам ўзида етиштирилади. Натижада корхона бир йилда 244 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эришди. Бу эса яна ўттиздан ортқ янги иш ўрни очилди, демекдир.

ЛОЙИҲА ГРАНТ ОЛДИ

Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технологиялари институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа 2,7 миллион сўмлик грантни кўлга киритди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва янги технологиялар маркази томонидан берилган грант кишлоқ хўжалик чиқиндиларидан меҳел тайёрлашда қўллаш лойиҳасига берилди.

Тоҳир Шомуродов етакчилигидаги бизнес ва бошқарув факультети олимлари қамиш, бугдой сомони ва жўхори сўталаридан меҳел тайёрлашда ҳомашё сифатида фойдаланишни режалаштирмоқда.

Хуқуқий саводхон бўлайлик



И.ХАСАНОВ олган суратлар

Саволларингизга Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма Марказий кўмитасининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бўлим мудир

Муқаддамхон Гафурова жавоб беради

Савол: 1. Кўнунчиликка биноан Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари шифокорлари кунига неча соат ишлашлари керак?
2. Раҳбарият ТМЭК шифокорлари иш вақтини кўпайтиришга ҳаққи борми?

бий-маслаҳат комиссиялари шифокорларининг иш кунини 5,5 соат қилиб белгиланган.
2. Қўнун доираси касоба уюшмаси вакили билан келишилган ҳолда раҳбарият ходимнинг иш вақтини узайтириши ва иш вақти узайтирилган шахсга қўшимча иш ҳақи тўлаши мумкин.

тўғрисида аниқ маълумот берсангиз.
Ж.Кувондиқов, Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кўмитаси раиси.

О.РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти.

Савол: Молия Вазирлиги томонидан 1995-йил 8-сентябрдаги 98-сонли буйруқ билан тасдиқланган бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимлари учун моддий рағбатлантириш махсус фонди ташкил этилган. 15 фоизли рағбатлантириш тўловлари қимматга тааллуқли эканлиги



Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига мувофиқ бир ставкада ишлайдиган Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) ва Тиб-

бий-маслаҳат комиссиялари шифокорларининг иш кунини 5,5 соат қилиб белгиланган.
2. Қўнун доираси касоба уюшмаси вакили билан келишилган ҳолда раҳбарият ходимнинг иш вақтини узайтириши ва иш вақти узайтирилган шахсга қўшимча иш ҳақи тўлаши мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан бири бу барча фуқароларнинг қўнун олдидаги тенглигидир. Zero қўнунни ҳурматлаб, унга итоат этган ҳолда яшаш, фаолият юритиш ҳаётимиз мезони бўлмоғи даркор. Табиийки бунинг учун ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхон бўлиши, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу долзарб масалага ҳукуматимиз, хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК қутилган натижани бермоқда

Мақсадга эришишда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан маҳалла фаоллари ҳамжиҳатликда амалга ошираётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Шундай «Давра сўхбат»ларидан бири Акмал Икромов туманидаги Абдор Ҳидоят номи маҳаллада бўлиб ўтди. Унда республика Адлия вазирлиги ҳуқуқий-тартибот марказининг бўлим мудир, Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, қайд этилган маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Марат Фуломов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси Одилжон Аллаев, мазкур бошқарманинг етакчи мутахассиси Алишер Фуломов, республика Адлия вазирлигининг ҳуқуқий-тартибот маркази Тошкент шаҳар бўлимининг бўлим мудир Абдор Бердиевлар катнашиб, маҳалла аҳли ўртасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш, баъзи муаммоларни ҳал этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Рашидов номи, Ойдин Собирова номи маҳаллаларда бўлиб ўтди. Жонли мулоқотларда суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларнинг бориши, янги қабул қилинган қўнунлар моҳияти хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Нотиқлар мавзунини уша жойлардан олинган ҳаётий мисоллар орқали баён этдилар.

Алишер Фуломов: «Одамларимиз аввало Асосий Қўмус – Ўзбекистон Конституциясининг моҳияти, унинг олдинги конституциялардан афзал томонларини тереан билишлари керак. Биламизки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Чунки айтиш мумкин бўлган ҳаётий муаммоларни қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қайд этилишича, Сидрарё вилоятидаги фермер ҳўжаликлариде ишловчи 7 минг нафардан ортик киши меҳнат шартномасисиз фаолият юритиб келмоқда. Қанчадан-қанча ишчилар буйруқсиз ишга қабул қилинган, уларга меҳнат дафтарчалари очилмаган. Демак, ходим манфаатини қўнунийлаштириш, уларни ижтимоий муҳофазалашда ҳа-толикларга йўл қўйилмоқда. Бу ким-лардадир ҳуқуқий саводхонлик етиш-маётганини оқибатидир.

Одилжон Аллаев: «Кейинги пайтларда биз – ҳуқуқшунослар маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишлашимиз яхши натижа бермоқда. Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ўртасида алоҳида режа тuzилган. Унга асосан республика ҳуқуқий-тартибот маркази, ҳуқуқ-тар-

тибот органлари ходимлари маҳал-лаларда бўлиб, учрашувлар ўтказа-япмиз. Бундай учрашувлар Бектемир туманидаги «Астробод», Миробод ту-манидаги «Файзобод», Мирзо Улу-бек туманидаги «Олимлар», Собир Ра-ҳимов туманидаги Беруний номи, Мирзо Ғолиб номи, Акмал Икром-ов туманидаги «Ўрикзор», Шароф

лилик муддати ўтиб кетган катта мик-дордаги маҳсулот сотувда эканлиги харидорлар томонидан аниқланиб, маълум қилинган. Табиийки бу бил-лан кўнгилсиз ҳолатлар олди олин-ди. Дўкон раҳбарига жарима қўлла-нилди.
Яқинда Вазирлар Маҳкамаси «Ис-теъмоличлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғри-сида» қарор қабул қилинганлиги ҳа-лқимиз томонидан мамнуният билан қарши олинди. Эндиликда маҳалла фаоллари мутасадди ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бо-риб, хайри тадбирларни амалга оширяпти.

Газетхон илтимосига кўра

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

9-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қўнун ҳужжатларининг амал қилиши
Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбу-зарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб туривчи қўнун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.
Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиқни енги-лаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қай-тиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққна қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқли-дир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиқни бел-гилувчи ёки жавобгарлиқни қучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбу-зарлик тўғрисидаги иш кўрилатган вақт ва жойда амал қилиб турган қўнун ҳужжатлари асосида юритилади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

10-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси
Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қўнун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутил-ган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари-га, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий му-ҳитга таҳовуз қилувчи гайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳара-катсизлик тушунилади.
Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз ху-сусиятига кўра жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.
11-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлиқни қасддан содир этиш
Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи этган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъ-мурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисоб-ланади.

12-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлиқни эҳтиёт-сизлик орқасида содир этиш
Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мум-кин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бун-дай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида со-дир этилган деб ҳисобланади.

13-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши
Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортила-дилар.

14-модда. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги
Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етма-ганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисида-ги низомада назарда тутилган чоралар қўлланилади.
Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда ту-тилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақ-дирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти-ни ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда маз-кур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-моддаси-да назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган шахс-лар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар иши бил-лан шуғулланувчи шахар, туман, шаҳарлардаги туман ко-миссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекс-нинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқни со-дир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

Пойтахтимиздаги «Бешёғоч универсал бозори» ҳиссадорлик жамияти-да сотувчи ва харидорга қулайликлар яратиб бериш мақсадида қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Чунон-чи, бу ерда республика-мизнинг турли ҳудудлари-дан ташриф буюрган деҳ-қону соҳибқорлар учун бо-зор маъмурияти томонидан етарли шароитлар яратил-ган.

Суратларда: кўконлик соҳибқор Фанихон Қора-боев; қандолатчи Дил-дора Раҳматова.
Ф.ХИДИРОВ олган суратлар



Юртимиз галлакорлари, деҳқонлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини тақлиф этади

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин азиз юртдошлар!

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожланиб, кенг оммалашиб бормоқда. Бугун қай бир вилоят, шаҳар ёки туманга борманг, янги-янги спорт иншоотлари қад кўтарайтганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай хайрли ишларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

20-23 июн кунлари Наманган шаҳридаги спорт иншоотларида касаба уюшмалари тасарруфидagi Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги республика спартакиадаси беллашувлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган мусобақада 300 нафарга яқин иштирокчи футбол, кураш ва арқон тортиш турлари бўйича баҳс олиб борди.

Наманган шаҳридаги замо-

навий «Пахлавон» спорт мажмуидида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сузга чиққанлар ёш спортчиларга мусобақада омадлар тилаш асносида келгусида улар орасидан мамлакатимиз шўҳратига шўҳрат қўшадиган истеъдод эгалари етишиб чиқишига ишонч билдиришди. Дарҳақиқат, мусобақалар касаба уюшма спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида иқтидорли ўсмир-ёшлар кўпчилигини ташкил этишдан дарак берди.

Касаба уюшма тадбири

Футбол бўйича беллашувлар Наманган шаҳрининг «Спартак» ҳамда Наманган туманининг

раш мусобақаларида қашқадарёлик ёш полвонлар зафар кўчдилар. Совриндорлар сафидан, шу-

лоятчи жамоаларига омад кулиб боқди.

Спартакиада якунига кўра умумжамоа ҳисобида мезонлар биринчи, пойтахт вилояти вакиллари иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринни эгаллашди. Мусобақа ғолиб ҳамда совриндорларига Ўзбекистон касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг фахрий ёрлик, қимматбаҳо мукофотлари топширилди.

Аскарали СУЛТОНОВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданият, спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлими mudiri

Нуқтаи назар

ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛАДИМИ?

Мамлакатимизда болалар спортини оммавий умумхалқ ҳаракатига айлантиришга алоҳида эътибор бериб келинапти. Юртбошимиз кўрсатиб ўтганларидек, спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради ва ҳурмат қилади.

Мактаб ўқувчиларининг Хоразмда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари», академик-лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг Андижон вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ёшлар парвозига қанот ба-

бўйича баҳс олиб бордилар. Мусобақада 5 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медали кўлга киритилди. Умумжамоа ҳисобида 115 очко жамғариб саккизинчи поғонадан жой олдилар.

Яқунлар шунинг кўрсаткичи, жисмоний тарбия ва спорт кенг йўлга қўйилган жамоаларда юртимиз шарафини ҳимоя қила оладиган муносиб ворислар етишиб чиқапти. 18-касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Алексей Номозов шериғи Фаррух Шакуров билан теннис мусобақасида андижонликларни енгиб, шохсупанинг энг юқорисини забт этди. Яққалик теннис баҳсларида эса кумуш медали кўлга киритди.

Қарши тиббиёт билим юртида жисмоний тарбия ва спорт машғулоти юқори савияда олиб борилади. Шунинг учун ҳам билим юрти талабаси Бахтиёр Умаров миллий кураш беллашувларида олтин медал билан тақдирланди. Ёш спортчининг муваффақиятга эришувида унга кураш сирларини пухта ўргатган тажрибали мурраббий Ботир Боймуродовнинг хизматлари катта. Енгил атлетика бўйича Қарши педагогика коллежи талабалари Раҳим Ризаев ва Сирожиiddин Болтаевлар мусобақа ғолиби бўлишди. 1500 метрга югуришда Китоб маиший хизмат коллежи талабаси Зебо Каримова бронза медалига сазовор бўлди.

Аниқ таҳлиллар кўл туپи, баскетбол, бокс ва енгил атлетика, сузиш, ядро улқотирш мусобақаларига етарли даражада тайёргарлик кўрилмаганлигини исботлаб турибди.

«Умид ниҳоллари» - 2003-да вилоятдан 151 нафар ўғил-қиз қатнашди, спортнинг 12 тури бўйича маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Бироқ, жамоага муносиб номзодлар танлаб олинмаганлиги, ўйинларга шовша-шошар-

лик билан ҳозирлик кўрилгани оқибатида яқунлар кутилган натижани бермади. Спортчилар бор-йўғи бешта медалини кўлга киритиб, ўзининг ўринни эгалладилар. Иккита футбол жамоаси олий табақада тўп сураётган, доврўғи оламга кетган Алломиш келбати полвонлари бир неча бор жаҳон чемпиони бўлган қашқадарёликлар учун бундай паст кўрсаткич мутлақо қониқич уйғотмайди.

Вилоятнинг ёш полвонлари бултўр Фарғонада ўтган миллий кураш беллашувларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эдилар. Аммо, бу йилги мусобақаларда фақат битта кумуш ва учта бронза медали олинганлиги бениҳоя таажубланарлидир.

Умумжамоа ҳисобида теннис ва кўл туپи бўйича олтинчи ўрин кўлга киритилган бўлса, шохмочи, футболчи ва баскетболчилар еттинчи, волейболчи ўсмирлар саккизинчи ўрин билан кифояланишди.

29 йўналишда баҳс олиб бориладиган енгил атлетика мусобақаларида энг паст кўрсаткичларга эришилди. Сузиш, бадий гимнастика беллашувларида ўқувчилар номигагина иштирок эттишди, холос.

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларидан бири телевидение муҳбирига интервьюсида «Қашқадарё спортчилари кучли олтилик ёки еттиликдан ўрин олади» деб ваъда қилган эди. Демак, билдирилган ишонч оқланмади. Йўл қўйилган камчиликлар болалар спортига етарли эътибор берилмаётганлигини, туманлараро мусобақалар номигагина ўтказилаётганлигини, жисмоний тарбия ва спорт машғулоти паст савияда олиб борилаётганлигини кўрсатиб турибди. Хато-лардан хулоса чиқариб олиш пайти келди.

ЁЛКИН

Фахр
УЛАРНИ ХОРИЖДА ҲАМ ТАНИШАДИ




Яқинда Италиянинг Педелука шаҳрида спортнинг академик эшак эшиш тури бўйича халқаро турнир ниҳосига эди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли учинчи ўринни кўлга киритди. Ушбу галабага Сирдарё-АТЭС жисмоний тарбия ва спорт клубининг беш нафар иқтидорли ёшлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Тўрт кишилик қайиқлар пойғасида Ю.Шахсуварян, В.Силаев, С.Тян, Ц.Ёкубов жамоаси маррага учинчи бўлиб етиб келди. Яққалик баҳсларида эса Владимир Черненко бронза медали соҳибига айланди.

Ширин шаҳрида жойлашган маъмур корхона спортчиларининг юртимиз спорт тарихида ўзига хос ўрни бор. Улар эришган ютуқларида биринчи мураббий Аркадий Запарожецкийнинг хизматлари катта бўлган. У бошчилигида клубда халқаро ҳамда миллий биринчилик ғолиблари, спорт усталари, оммавий разрядликлар етишиб чиқди. Мустақиллик йилларида Сирдарё ГРЭС спортчиларининг ютуқлари салмоқли бўлди. Масалан, Японияда бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида клуб аъзолари - Василий Полонников ва Василий Чекменёв 4-ўринни кўлга киритиб, ушбу спорт тури бўйича биринчи халқаро тоифадаги усталик талабини бажаришди. Шу йилнинг ўзида ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида клуб спортчилари иккинчи ўринни кўлга киритди. 1999 йил бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам клубнинг беш нафар аъзоси кўксини мусобақанинг кумуш медаллари беади. Утган йили сирдарёлик 6 нафар спортчи терма жамоа сафида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок

этишди. Клубимиз қошида 50 нафардан зиёд ёшлар шуғулланади. Маълумки, академик эшак эшиш алоҳида шароитларни талаб этади, - дейди етакчи мутахассис Михаил Гольц. - Бу ишда бизга ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда бошланғич ташкилот катта ёрдам берапти. Улар бизни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Шу билан бирга ГРЭС маъмуриятига ҳам алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Дарвоқе, айни кунларда тури бўйича биринчи халқаро тоифадаги усталик талабини бажаришди. Шу йилнинг ўзида ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида клуб спортчилари иккинчи ўринни кўлга киритди. 1999 йил бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам клубнинг беш нафар аъзоси кўксини мусобақанинг кумуш медаллари беади. Утган йили сирдарёлик 6 нафар спортчи терма жамоа сафида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок

А. ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Баскетбол
ЎЗИГА ХОС КЎРИК

Миллий Олимпия кўмитаси, Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Ёшлар» телеканали, Республика баскетбол федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида спортнинг баскетбол турини янада оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларида мазмун киритиш мақсадида «Камолот» кубоги мусобақаларини ўтказишга келишиб олинган эди.

Турнирнинг туман ва вилоят босқичлари гоёт қизиқарли кечди. Мусобақада 250 мингдан зиёд ёшлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, турнир турли хил маданий дастурлар билан уйғунлашиб кетди, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, машҳур спортчилар билан учрашувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Мусобақаларнинг финал босқичи Тошентда, Марказий Офицерлар уйи оҳирларида ўтказилди. Унда вилоят босқичлари ғолиблари бўлган 14 жамоа иштирок этди.

Уч кун давом этган баҳс совриндорларни аниқлаб берди. Тошкент шаҳрининг Миробод тумани Ойбек маҳалласи ёш баскетболчилари турнирда барчадан кўра пухтароқ ҳозирлик кўрганикларини намойиш этиб, ҳақли равишда шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилдилар. Бухоро шаҳрининг «Варахша» ҳамда Навоий шаҳрининг «Жанубий» маҳаллалари вакиллари иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.


Ғолибларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган кубок, диплом ва медаллар топширилди.



ғишлади, миллионлар қалбига гурур-ифтихор туйғулларини жўш урдирди. Чинакам жисмоний соғломлаштириш анжуманига айланди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йғилишларида қўйилган вазифалар қашқадарёликлар томонидан ҳам мануният билан қўйиб олинди. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш, соғлом, бақувват, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган амалий ҳаракатлар, дастури ишлаб чиқилди.

Фарзандлари соғлом юрт - қудратли. «Баркамол авлод - 2003» мусобақаларида вилоят вакиллари спортнинг 14 тури



ЖОНКУЯР МУРАББИЙ ТАШАБУСИ

Хоразм вилоятида спортнинг оммавийлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қишлоқ меҳнатқашлари ҳам орта қолаётганлари йўқ. Айниқса, Урганч, Шовот, Ҳазорасп туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Каровсиз қолган стадионлар, спорт заллари таъмирланмоқда. Шарт-шароитлар яратилапти.

Урганч туманидаги Дўрмон қишлоғида қишлоқ мураббийси штати жорий қилинган бўлиб, бу вазифани тажрибали мутахассис Евбасар Шомуродов фидойилик билан адо этмоқда. У чорвадорлар, механизаторлардан иборат енгил атлетика, кураш, футбол жамоаларини ташкил қилган. Яқинда Тошкент вилоятининг Ғазалкент туманида бўлиб ўтган Республика қишлоқ спартакиадасида Ё.Шомуродов тайёрлаган енгил атлетика ҳамда волейбол жамоалари иштирок этди.

Айниқса, Дўрмон волейболчилари бизни ҳушнуд этди. Улар бирин-кетин Сирдарё, Сурхондарё, Андижон, Фарғона волейболчиларини мағлубиятга учратдилар. Айниқса, Наманганликлар билан ўтказилган ўйин кизгин ўтди, - дейди вилоят агросаноат ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси Қодиржон Раҳимов. - Спартакиадада Шовот тумани «Меҳнатобод» ширкат хўжалигидаги «Фарход» фермер хўжалиғи раҳбари Д.Бекчоновнинг оилавий спортчилари ҳам улкан галабани кўлга киритди.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

ВОДИЙЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакат чемпионатининг ўн туртинчи тури Фарғона водийси ишқибозлари учун чинакамига байрамона яқун топди. Ҳатто турнир жадвалининг энг қуий поғонасини «сотиб олган» жамоа - «Кўкон-1912» ҳам ушбу турда мухлисларини ҳушнуд қилди. Ўзбек футболнинг ватанида шу кунги меҳмонда тўп сурган «Бухоро» 0:1 ҳисобида ўйинни бой берди. «Нефтчи» эса аксинча, Тошкентда «Трактор»га қарши майдонга чиқиб, бутун учрашув давомида ташаббусни кўлда маҳкам тутган ҳолда яққаш олға интилди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Тракторчилар «Нефтчи» ҳужумчиларининг тўрт тўпига бор-йўғи битта тўп билан жавоб қайтара олдилар. Мазкур турда «Навбахор»га ҳам омад кулиб боқди. Наманганликлар кўҳна Самарқандда зафар кучиб, очколари сонини учтага оширдилар. Ҳисоб - 1:3. Водийнинг яна икки жамоаси «Андижон» ва «Цементчи» эса ютуққа тенг галабага эришиб, имкониётлари катта эканлигини исботладилар. «Андижон» ўз майдониде Қаршининг «Насаф» командаси билан 1:1, «Цементчи» эса кимсан «Пахтакор» билан 2:2 ҳисобини қайд этди. Қолган учрашувлар куйидагича яқун топди:

«Машъал» - «Кизилқум» - «Дўстлик» - 1:0.
Биринчи давранинг сўнгги турида «Насаф» жа-



Футбол

моаси «Бухоро»ни қабул қилади. «Нефтчи» - «Навбахор» ва «Пахтакор» - ли ўйин қутишмоқда.

14-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	14	13	0	1	40-8	39
2. «Пахтакор»	14	12	2	0	42-11	38
3. «Кизилқум»	14	9	2	3	27-13	29
4. «Насаф»	14	8	2	4	28-16	26
5. «Навбахор»	14	6	5	3	23-13	23
6. «Сурхон»	14	7	2	5	17-20	23
7. «Дўстлик»	14	6	3	5	17-19	21
8. «Машъал»	14	5	2	7	20-17	17
9. «Андижон»	14	3	5	6	13-15	14
10. «Бухоро»	14	4	2	8	20-24	14
11. «Металлург»	14	4	2	8	19-30	14
12. «Самарқанд-Д»	14	4	1	9	18-25	13
13. «Трактор»	14	3	4	7	17-35	13
14. «Улестон»	14	4	1	9	12-30	13
15. «Цементчи»	14	3	3	8	15-25	12
16. «Кўкон-1912»	14	3	0	11	14-37	9

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириди - 21.30

СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ
Вилоят ҳокимлигида «Умид ниҳоллари» республика мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақаларида Бухоро вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
Гарчи бухоролик ўқувчилар умумжамоа ҳисобида олтинчи ўрин билан чекланган бўлса-да, совриндорлар сафи бултўрғидан кўпайиб, ўттиз бир медал кўлга киритилди.
Спортчи ва мураббийларга вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.
(ЎЗА)

Манъалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.